



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
30 сентябрь
ШАНБА
№ 79
(11.882)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

МУКОФОТ МУБОРАК!



ШИРИН КАЛОМИНГИЗ ЎДИМИЗДА БИР УМР ҚОЛАР

Дунёда энг яқин кишинг, аввало, ота-онанг. Лекин «Устоз» деган улуг зот борки, халқ бу табаррук инсонни ота-онадек улуғлайди, эъзозлайди. Унинг қиёфаси, ширин каломи, доно ўғитлари бир умр хаёлидан ўчмайди.

Хаётингизни илм-маърифат йўлига бағишлаганингизни, бизларни ўз фарзандингиздек қўришингизни жуда қадрлаймиз. Минглаб фарзандларингиз билан доимо фахрланиб юришингизни истаймиз, азиз мураббийлар!

СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчиси Гулчехра Эргашева ўқувчилари даврасида. **ЕРКЕБОЙ БОТИРОВ** олган сурат.

Хар биримизнинг ана шундай устозларимиз бор. Болаларга одамийлик дарсини берган, она Ватан, дўст-ёрларга меҳр-муҳаббат билан қарашни ўргатаётган устозлардан бири Қибрай туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Гулчехра Эргашевадир. У кишининг овози доимо ўқувчилар қўлига остида жа раанглаб туради. Устоз жўшиб шеърлар ўқиганида бутун синф болалари махлиб бўлиб қолади. Азиз устозлар, байрам нишонланаётгани муносабати билан барча мураббийларни чин дилдан муборакбод этамиз. Бутун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бири гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан бир қатор юртдошларимиз Ватанинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»
Хайдарова Бусоат Нуралиевна – Оҳангарон туманидаги 40-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси.

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Бўрибеков Анвархўжа Баҳодирович – Қибрай туманидаги 4-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан
Худойқулова Муқаддам Қурбонова – Покент туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси.

«Дўстлик» ордени билан
Турсунова Қосима Маҳкамовна – 15-меҳрибонлик уйи тарбиячиси.

«Шухрат» медали билан
Жуманова Гавҳар Аҳмадова – Бўстонлик туманидаги 125-мақсус мактаб-интернатнинг меҳнат таълими ўқитувчиси.

Кобилова Машқур Аббасовна – Ўртачирчиқ туманидаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси.

Ҳегай Александр Дмитриевич – Куйичирчиқ туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Худойбоқова Дилором Усмонова – Окўрғон туманидаги 6-мактабнинг физика фани ўқитувчиси.

Эсонова Тожиниса Махановна – Ангрэн шаҳридаги 5-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

Қибрай туманидаги «Қибрай босмахонаси» масъулияти чекланган жамияти қошида аҳолига яна бир қулайлик яратилди.

Бу ерда ўку қуроллари, канцелярия моллари ва газеталар билан савдо қиладиган дўкон очилди. Шунингдек, арзон нархларда компьютер хизматлари кўрсатилмоқда.

Мижозлар турли тақлифнома ва табрикнома чоп этишга ҳам шу ернинг ўзида буюртма беришлари мумкин. — дейди дўкон муддирини Мухайе Бобаканова. — Мақсулотларимиз сифатига тўла қафолат берганимиз боис мижозлар тораба кўпаймоқда. **Хуррият МЎМИНОВА.**

УСТОЗ СОҒЛИГИНИ ЎЙЛАБ

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси вилоят бўлими шифокор ва мутахассислари Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Юкюричирчиқ, Паркент, Ўртачирчиқ туманлари ҳамда Янгийўл шаҳрида умумтаълим мактаблари, лицей ҳамда коллежларда фаолият юритаётган 250 нафар ўқитувчи ва мураббийнинг соғлиқларини тиббий кўриқдан ўтказиб, ташхис қўйишди.

Шунингдек, уларга жамғарманинг кийим-кечак, озиқ-овқат мақсулотларидан иборат 300 минг сумлик моддий ёрдами топширилди. **Феруза ТЎРАЕВА.**

Таабир

ЭКОФЕСТИВАЛЬ МАРАФОНИ ЯКУНЛАНДИ

«Ўзбексайёҳлик» миллий компанияси, «Экосан» халқаро ташкилоти Бутунжаҳон сайёҳлик кўнига бағишлаб «Сайёҳлик ва экосайёҳлик барқарор ривожланиш мақсадида» шиори остида экофестиваль ўтказди.

Республика пойтахтидаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган бу тадбирда шу йилнинг август-сентябрь ойларига республика-камиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган экофестиваллар марафони якунланди. Шунингдек, мавзуй кўрсаткич, экосайёҳлик маршрутлари, талабаларнинг «Сайёҳлик ва экосайёҳлик» мавзусига бағишланган энг яхши рефератлари кўрик-танловнинг тақдимотлари бўлди. Унда соҳада кўп йил фаол ва самарали хизмат кўрсатган бир гуруҳ мутахассислар тақдирланди. Ўзбекистон эстрада юдузлари анжуман катнашчилари хизматида бўлдилар. **Ўз мухбиримиз.**

Пахта – 2006



ДАРОМАД ЧЎҒИ МЎЛ ҲОСИЛДАН

Оққўрғон туманидаги «Покиза» фермер хўжалиги деҳқонлари бу мавсум 64 гектар майдонда пахтанинг «С 65-24» навидан мўл ҳосил етиштиришди. Барча агротехник жараёнлар орттирилган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда маромда давом этгани боис бир қанча теримдаёқ ҳосилдорлик 30 центнерга етди.

— Қабул пунктларига 150 тоннадан ортик хом ашё этказиб бердик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов. — Ҳосилимиз биринчи навга қабул қилингани сабабли даромадимиз кутилганидан бариққанди бўлди. Хар тонна пахтаимиз учун 352 минг сўмдан пул туланапти. Бундан ташқари ҳосилимизнинг 100 тоннаси уруғлик бўлгани боис, устига яна 50 фоиз қўшимча ҳақ оламиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра пахтачиликдан 100 миллион сўмдан зиёд даромад кўрамиз. Унинг 35 миллиони соф фой-

50 ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

Ўртачирчиқлик заминдорлар ҳам бу мавсум ташаббусни қўлдан бермай, бирин-кетин меҳнат зафарига эришмоқдалар.

Тумандаги «Хондамир» фермер хўжалиги аъзолари шу кунгача қабул пунктларига қарий 120 тонна хом ашё топшириб, шартнома режасини ортиги билан бажардилар. Ҳосилдорлик белги-ланганидан 7-10 центнер юқори бўлди.

«Муҳаммадали» фермер хўжалиги заминиде эса ҳосилдорлик 50 центнердан-

га тўғри келиб, деҳқонлар давлатга кутилганидан қарий икки баробар кўп пахта сотдилар. Шунингдек, тумандаги «Тўғизбой», «Дўстлик», Фахридин Тўйчиев номи ва бошқа бир қатор фермер хўжаликлари ҳам зиммаларидаги масъулиятни бекаму кўст адо этдилар. **Шерали ҒАЙРАТОВ.**

ТОЖИНИСО АЯНИНГ ХИРМОНИ

Бўқалик Тожинисо Пўлатова табаррук ёшида фермер хўжалигини бошқармоқда. Деҳқончиликда кўп йиллик малака эгаллаган, суғи пахтачиликда қотган ая ўз имкониятларини чамалаб, қарий 9 гектар майдонда деҳқончилик қилди.

— Бу йил пахта йили бўлди, — дейди Тожинисо Пўлатова. — Аммо кўп йиллик тажрибамдан аёниқ, ҳамма гап меҳнат ва омилкорликда. Ғўза эътиборта-лаб экин.

Дарҳақиқат, асосан оила аъзолари меҳнат қиладиган кичик хўжаликда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Биринчи теримда, икки кунда шартнома режасини бажарган хўжалик деҳқонлари ҳозиргача ҳосилдорликни 35 центнерга етказдилар.

СУРАТДА: Тожинисо Пўлатова пахтазор ораб қолган ҳосил чўғини чамаламоқда.

Темур ХАЙДАРОВ олган сурат.

2007 йил учун обунa бошланди
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Инсон таълим ва илм орқали маънавий баркамолликка етишади. Маънавий баркамол халқгина ҳар бир жабҳада самарали ютуқларга эришади.

Биз ҳуқуқий демократик жамият қурувчи эканми, аввало, миллий ўзлигимизни англаш, кўна, бой тарихимизни ўрганиш ҳамда ёшларнинг таълим-тарбиясида улардан ижодий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўртаб-қиринчиликнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган сўзлари бугунги кунда комил инсонни вожага етказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда таълим тизимидаги ислохотлар жараёни чекка-чекка қишлоқлардаги мактабларни ҳам қамраб олмади. Жумладан, мактабимиз манзилли дастурга асосан бу йил капитал таъмирланди. 624 ўринга мўлжалланган ўқув даргоҳига 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Янги мебель ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Эндиликда йигит-қизларимиз ҳар томонлама қулай, замон талабларига мос тарздаги ўқув масканида таълим олмақдалар.

Дунёда билим бешигини тебратётган касб эгалари борки, улар миллий ва умумбашарий қадриятлар, замонавий илмлар асосида билим берувчи мураббий устозлардир. Бу касб эгаларининг заҳматли меҳнатлари ҳаммиша қадрланиб, эъзозланиб келинади. Бундай халқнинг келажаги ҳам, албатта, буюк бўлади. Зеро, улар соҳаётган эзгулик уруғлари инсонийликнинг бебаҳо дурдоналари бўлиб, ҳаммиша яхшиликка хизмат қилади.

Азиза АБДУЛЛАЕВА, Куйичирчиқ туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

ИЗЗАТОЙ ОПАМГА ЎХШАСАМ, ДЕЙМАН

Энг эътиборли, энг эъзозли касб — ўқитувчилик. Мен бунинг ҳаммасини, устозим, Бекобод шаҳридаги 9-умумтаълим мактабидан бошлаганимни синф ўқитувчиси Иззатой Асадова тимсоланда кўраман. Кирк бир йилдан бундан ўз касбини улуглаб, болажонларга таълим-тарбия бериб келаётган Иззатой опа жамоада муносиб обрў-эътибор қозонган устозлардан.

Биз, ёш ўқитувчилар у кишидан мураббийликнинг сир-асрорларини, меҳрибонлик, кенгфайлиқни, шу билан бирга керак пайтда талабчан бўла олишни ҳам ўрганганми. Уларни ҳам билим ва тажрибаларини эринмай, самимият билан ўргатадилар. Шунинг учун бўлса керак, опанинг иш услуби кенг оммалаштирилган. Иззатой опа шаҳар кенгаши депу-

тати сифатида ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонган фаол аёллардан. — Ўқитувчи деган шарафли номга муносиб бўлиш жуда катта масъулиятни талаб этади, — дейди опа. — Менинг ҳам устозларим бўлган. Уларнинг фидойилиги, изланувчанлиги мен учун катта мактаб эди.

Халима ИБРОХИМОВА, ўқитувчи.

Таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва мазмунан такомиллаштириш, ватанпарвар, билимли, маънавиятли кадрларни тарбиялашга муносиб улуш қўшаётган Бўка туманидаги 46-умумтаълим мактабида иқтидорли ўқувчилар оз эмас. Уларга ўз касбининг фидойилари Мавлуда Қурбонова, Қизилгул Маматова, Насиба Мамат-оэиева, Баҳодир Маматов ва Абдураим Алматовлар пухта билим бермоқдалар.

СУРАТДА: ўқитувчи Мавлуда Қурбонова иқтидорли ўқувчиларидан бири Мухтабар Бўриева билан.

Пардавой ЭРГАШЕВ олган сурат.



МАСЪУЛИЯТ ИЗЛАНИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ



Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи мен учун жуда қубончли келди. Ҳам «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика танловида биринчи ўринни эгалладим, ҳам «Халқ таълими аълочилиси» унвонига сазовор бўлдим.

иштирок этди. Улардан уч нафари — Гулчехра Ғойинова чизмачилик фани бўйича, мен эса, иқтисод фани бўйича, Маҳкам Қошонов математика фани бўйича танловнинг республика босқичида қатнашдик.

Педагог ходимларнинг хоҳиш-истаклари, мактабларнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, туманда апрель-июнь ойларида биология, математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт, меҳнат таълими йўналишларида қисқа ўқув курслари ташкил этилди. Бу машғулотларда 200 га яқин педагог-ҳодим ўз малакасини оширди. Шунингдек, А. Авлоний номли институтда бир қатор ўқитувчиларимиз малака ошириб қайтдилар.

Туман услубхонаси томонидан она тили ўқитувчиси З. Абдухалилова, қозоқ тили ўқитувчиси Э. Баратов, биология фани ўқитувчиси Ё. Аҳмедова, физика фани ўқитувчиси У. Худой-

назарова, бошланғич таълим ўқитувчиси М. Умарова, тарбиячи М. Зоирова, руҳшунос Р. Мавлонова каби 23 нафар педагогнинг иш услублари кенг оммалаштирилди. Шу билан бирга туман халқ таълими бўлими методик маркази томонидан ўқувчилар билимида аниқланган бўлишларни қоплаш ва етишмовчиликларни бартараф этиш юзасидан мактаб раҳбарлари ва фан ўқитувчилари учун 4 та курсатма, 11 та йўриқнома, 28 та дарс ишланмаси, 6 та методик тавсиялар нашр этилиб, мактабларга тарқатилди.

Хулоса қилиб айтганда, келажаги буюк давлат учун маъна юксак, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш масъулияти зиммамизда экан, бу йўлда изланишдан асло толмайми.

Азиз КЎШБОВ, Оққўрғон туманидаги 16-умумтаълим иқтисод фани ўқитувчиси.

яланувчиларига бадий адабиётлар олиш учун 150 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, рағбатлантириш, уларнинг ўз касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим. Бу борада шаҳар халқ таълими бошқармасининг сайёҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўқитувчиларнинг машаққатли, шарафли ва ҳалол меҳнатлари мунтазам қадрланиб келинаётгани, муносибларга берилаётган мукофотлар, фахрий ёрликлардан кўриниб турибди.

Тоғай ЮСУПОВ, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюмчаси вилоят кенгашининг Ангрэн шаҳридаги вакили.

Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида. Ҳар томонлама етуқ. Умидли ёшларни ўқитиш, тарбиялашдек масъулиятли вазифани эса энг шарафли касб эгалари — ўқитувчилар бажаради. — дейдилар онам, кекса педагог Дилором Алиева. — Шунинг учун ҳам бу касбга меҳр қўйдим.

ОНАМЛАРНИНГ КАСБЛАРИНИ ТАНЛАДИМ

Ўқитувчиликнинг машаққатли-ю ширин азоблари, роҳату фароғатини ҳис этиб ишлаб келяпман. Тошкент вилоят Давлат педагогика институтини тугатиб, она шаҳрим Бўкада иш бошлаганимга 20 йилдан ошиб қолди. Аввал 5-сўнгра 25-1-мактабларда ўқитувчи, директор ўринбосари вазифаларида ишладим. Шу йилларда Ортиқан тажрибаларини Тошкент вилояти Ўртамаҳсус касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги Бўка агросаноат колледжиде ишлаш жараёнида анча бойиди. Фақат инглиз тилидан дарс беришгина қолмай, талабаларни бу фанга кўпроқ қизиқтириш мақсадида тўрақлар ташкил этдим.

Шунингдек, иш жараёнида кузатганларим асосида инглиз тилини ўргатишнинг қулай томонлари ҳақида услубий қўланма яратиб, муваффақ бўлдим. Бу қўланманинг «Маҳорат — 2006» танловида инглиз тили фани ўқитувчиларига тавсия этилганлиги ўз касбимга бўлган меҳримни янада орттирди. Байрам арафасида камтарин меҳнатларимизни эътиборга олиб, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлигини топширишди. Мухими, халқ учун хизмат қилиб, шунга яраша раҳмат эшитиш ҳам катта бахт! Мен ўқитувчилик касбим билан фахрланаман.

Дилбар УМАРОВА. (Материалларни «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Сайёра РИХСИЕВА ва Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди.)

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ АФЗАЛЛИГИ

Тошкентда «Соддалаштирилган солиққа тортиш тизими: долзарб муаммолар ва ечимлар» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, молия ва адлия вазирликлари масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда солиқ юкни камайтириш, солиқ-бюджет сифатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилаётгани

алоҳида таъкидланди. Натижада кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва корхоналарнинг ялпи даромад солиғи каби соддалаштирилган солиққа тортиш усуллари яратилди.

Ушбу муҳим жараёни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш юзасидан доимий изланишлар олиб борилади. Тадбирда бу борада мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, мавжуд муаммоларнинг ечимига оид масалалар муҳокама этилди.

МАТБУОТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Пойтахтимизда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга бағишланган медиафорум бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Икки кун давом этган медиафорумга журналистлар, давлат, жамоат, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари тақлиф этилди.

Тадбирда фуқароларнинг ижтимоий фаолигини янада ошириш, ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокчини таъминлаш, айрим тахрирлар дуч келаётган муаммолар бора-бора атрафлича фикр алмашилди.

Медиафорум доирасида республикамизда фаолият кўрсатаётган ўттиздан зиёд нашрга навбатдаги грантлар топширилди.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда болалар оториноларингологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бошланди. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга Германия, Украина ва Тожикистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этти.

Анжуманда мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, улгайиб келаётган авлодин етуқ ва баркамол этиб тарбиялаш, касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

логияси соҳасида ҳам хасталикларни даволашдан кўра уларнинг олдини олиш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди. Бу борада мамлакатимиз тиббиётдаги янги йўналиш — оила шифокори хизмати янада такомиллаштириш, ушбу жабҳада ишлаётган тиббий ходимларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш билан боғлиқ масалалар хусусида атрафлича фикрлашилди.

Йигилишда соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа жабҳалари сингари болалар оториноларинго-

ЁШЛАР ИНТЕРНЕТ МАРАФОНИ

Пойтахтимизда «Ўзқўрғазмасавдо» республика ярмарка савдо марказида ўтказилган «ICT Expo — 2006» ахборот технологиялари биринчи миллий қўрғазмаси доирасида Ёшлар интернет марафони қўлибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Марафон Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Uzinformat» Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази, Тошкент Ахборот технологиялари университети, БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ахборот маркази, БМТ Тараққиёт дастурининг маҳсус лойиҳалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

бағишланган энг яхши расми ёки постер номинацияси бўйича биринчи ўрин Намангандаги 34-мактаб ўқувчиси Марина Панкратовага, иккинчи ўрин Марғилондаги 9-мактаб ўқувчиси Ҳожиакбар Расулловага, учинчи ўрин Нукусдаги 17-мактаб ўқувчиси Қазибек Мамбетовага берилди.

Шу йилнинг июнь ойи охирида эълон қилинган мазкур интернет марафонда юртимизнинг барча ҳудудларидан 9 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди.

Ғолиб ва совриндорларга тадбир ташкилотчиларининг қимматбахо сўгалари топширилди.

Ў.А.



Чинакам маърифатли кишилар инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Ана шундай маърифатли инсонни тарбиялаб, вожага етиштиришдек улкан вазифани сиз қилдингиздан бажараётган фидойи инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлар ҳақида қанча гапирсак оз.

УЛАР ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Таълим ва фан ходимлари касба уюмчаси Ангрэн шаҳар вакилиги ҳам халқ таълими фидойилари билан бир сафда қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ишчи гуруҳи таълим муассасаларида маънавий-маърифий ислохот-


ларни амалга оширишда бошланғич касба уюмчаси қўмиталари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этиб, унда маънавият хоналарини жиҳозлаш, керакли адабиётлар билан таъминлаш, ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан керакли

тавсиялар берилган. Ўтказилган шанбаликларда йилгилан қроғоз чиқиндиларидан тушган маблағ эвазига зарур адабиётлар олинди.

Касба таъкилотимиз шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан узвий алоқада. Кам таъминланган оилаларга профилактика ўқувчилар учун имтиёзли йўланмалар ажратиб, кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сингари қатор хайрли ишлар режа асосида амалга оширилмоқда. 2005-2006 ўқув йилида нафақага чиққан 65 нафар меҳнат фахрийларини рағбатлантириш учун 550 минг сўм маблағ ажратилди. «Меҳрибонлик уйи» тарби-

Азиз муаллимлар ва устозлар!

Ўзбекистон фан ва халқ таълими ходимлари касба уюмчаси Ангрэн шаҳар вакилиги Сизларни қутлуғ касбий байрамимиз — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан қутлайди. Мустақил Ўзбекистоннинг маънавий баркамол, жисмоний етуқ навқирон авлодини тарбиялашда ҳаммагизга омад, куч-қувват, мустақкам ирода доимо ҳамроҳ бўлсин.



ёшлар ижтимоий ҳаракати ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий табриклайди!

Сизларнинг ҳар бир ўқувчида табиий зоҳир иқтидор қирраларини тинимсиз излаш одатингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Зеро, ҳар бир бола ўзига яраша иқтидорга эга бўлади.

Уни вақтида илғаш ва тақомилига етказиш эса ўқитувчи ва мураббийларнинг шарафли ишидир.

Биз — ёшларга бераётган меҳрингиз, илм чўққилари сари етаклашдек машаққатли ишдаги сабр-бардошингиз, порлоқ келажагимизга ишончингиз учун ташаккур, азиз устозлар!

Сизларга мустақкам соғлиқ, хайрли касбингизда ижодий муваффақиятлар тилаймиз!



Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns: ДУШАНБА 2, СЕШАНБА 3, ЧОРШАНБА 4, ПАЙШАНБА 5, ЖУМА 6, ШАНБА 7, ЯКШАНБА 8. Each column contains TV program schedules for various channels like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, and ТШКЕНТ.

Биз ва Жаҳон
Карло Страззанте:
ЎЗБЕК ДОИРАСИ МЕНИ
МАФТУН ЭТДИ
Ўтган йилнинг август ойида бельгиялик мусликчи Карло Страззанте "Заман" ансамбли таркибида Самарқандда ўтказилган "Шарк тароналари" беининчи халқаро мусика фестивалида катнашган эди.

ХИТОЙ ТЕХНИКАСИ
КЎРГАЗМАСИ
Тошкентда Хитой муҳандислик-техника кўргазмаси очилди.
Хитойнинг олтинчида ортик компания ва корпорациялари иштирок этаятган мазкур кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Акмал Камолов, бу тадбир ўзбек-хитой савдо-иқтисодий алоқалари тарихида муҳим воқеа эканини таъкидлади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди
матбуот ва интернет нашрларида жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан тақомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида

«ЭЪТИРОФ» танловини эълон қилади.
Танлов номинациялари:
- энг яхши ижтимоий-сиёсий газета
- энг яхши иқтисодий нашр
- энг яхши спорт наشري
- энг яхши болалар наشري
- газета/журналнинг энг яхши дизайни
- энг яхши интернет-агентлиги ва наشري.
Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари:
Ғолиблар жорий йилнинг 1 сентябридан келгуси йилнинг 1 сентябрга қадар олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади.
Танловда ғолиб чиқши учун қуйидаги мезонлар белгиланган:
- иштирокчининг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
- материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
- бадий-эстетик безатилиши.
Танлов иштироқчилари фаолияти нуфузли экспертлардан ташкил этилган ҳайат томонидан баҳолалиб, ғолиблар аниқланади.
Танловда қатнашиш истиғини билдирган тахрирлар Жамоат фонди дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.
Ғолибларни тақдирлаш:
танлов аънаввий бўлиб, ғолиблар хар йили сентябрь ойида, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этиладиган медиафорум доирасида эълон этилади.
Хар бир номинация бўйича танлов ғолиби Жамоат фонди кумагида МДХ мамлакатларининг нуфузли оммавий ахборот воситаларида малака ошириш ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.
Танловда қатнашиш учун аризалар ушбу эълон матбуотида қўйилган кундан бошлаб, қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700129, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 30, 3-қават, 5-хона.
Ташкилий қўмита.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

УЛАР СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли курашчилари қаторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Жаҳон чемпионатининг эркин курашчилар баҳсида 84 ва 74 килограмм вазн тоифаларида гиламча чиққан ҳамюртларимиз Заурбек Соҳиев ҳамда Сослан Тигиев шохсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Яна бир ҳамюртимиз — эркин кураш бўйича 120 килограмм вазн тоифасида жаҳон ва Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов финалга йўланма олди. Мусобақа давом этмоқда.

«ОКМК» ИККИНЧИ

Самарқанд шаҳрида гандбол бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтган «Мустикалик кубоги» мусобақасида олти жамоа бир давралик тизимда ғолиблик учун куч синашди.

Мамлакатимизнинг энг кучли жамоаси — «Алгоритм» (Тошкент) ғолиб чиқди. Пойтахтликлар бош совринни кўлга киритиш учун «Ешлик»ни (Термиз) 44:3, «Дангара»ни (Фарғона) 34:7, «Анджон Олимпия захиралари колледжи»ни (Анджон) 50:8, «Олмалик кон-металлур-

гия комбинати»ни (Олмалик) 31:28, «Жиззах»ни (Жиззах) 28:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қолган совринли ўринлар «Олмалик кон-металлургия комбинати» ва «Анджон Олимпия захиралари колледжи» жамоаларининг гандболчи қизларига насиб этди.

ДИЛШОД ВА ЭЛШОД — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Германияда бокс бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари муваффақиятли иштирок этди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Дилшод Маҳмудов ва Элшод Расулов олтин медал ва жаҳон чемпиони, деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Германия рингларида финалга чиққан таҳриба-

ли боксчи Шерзод Хусанов ва Жасур Матчинов кумуш, ярим финалгача етиб келган Бехзод Хидиров ва Шерзод Абдураҳмонов бронза медаллари билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида (МОК) бокс мутахассислари ва мураббийларининг назарий ҳамда амалий малакасини ошириш мақсадида Халқаро олимпия кўмитасининг (ХОК) Олимпия Бирдрилиги Ташкилоти ва Ўзбекистон бокс федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган техник семинар очилди.

БОКСГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Унда Санкт-Петербург давлат университети профессори, халқаро тоифадagi спорт устаси Анатолий Ширяев Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган ўттиз нафарга яқин мураббий ва мутахассислар билан бирга бокс бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказди.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда иштирокчилар бокс ва яккураш турлари ҳақида тарихий маълумотлар, машғулот жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари, тартиби, техник-тактик ва махсус тайёргарлик каби мавзулар бўйича назарий билимини бойитиш билан бирга пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган биринчиликда амалий малакаларини оширади.

ЎЗА.

Bolalik bog'i

KUZDA (Hikoya)

Tolib aka anor shoxlarini avval kanop bilan bog'ladi. Keyin yonidan uzun, chuqurroq ariqcha qazib, unni yotqizdi. Anvarjon etikcha kiyib, anor shoxlarini mahkam bosib turdi. Dadasi ketmon bilan tuproq tashladi. Anjir daraxtini ham shunday ko'rib qo'yishdi. Faqat tokning ishi qiyin ekan. Tolib aka uning qalin navdalarini kesib asta ekan. Uch-to'rt joyidan qisib bog'ladi. Pastki yo'g'on

qismiga taqab qoziq qoqdi. Arqon bilan sirib unga bog'ladi. Somon, qamish bilan navdani o'rab, yana yengil bog'ladi-da, yaxshilab ko'mdi.

— Dada, toklarni bahorda kesa qolsak nima qiladi? — Ko'klamda faqat yangi navdalar xomtok qilinadi. Eski shoxlari kesilsa, suv oqib, kasallanadi. — Endi har yili shunday qilaveramizmi? — Uzum eyishni xohlagan odam erinmaydi.

Anvarjon keyinchalik ko'rdiki, ba'zilar anor, anjirlarni tik turganacha yoki egiltirib, somon, mato bilan o'rab-chirmab asrashar ekan.



Tok ham shunday. Shahar joylarda tok umuman ko'milmay, ishkonda qolib ketar ekan. Anvarjon otasining: "Uzum eyishni xohlagan odam mehnatdan erinmaydi", degan gapini sira esidan chiqarmaydi.

Muhayyo TO'LAGANOVA, Yangiyo'l tumanidagi 3-maktab o'qituvchisi.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МАВЗУИДАГИ АНЖУМАН

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида шу йилнинг 19-20 октябрь кунлари ўтадиган "Буюк Ипак йўли. Маданият ва анъаналар. Ўтмиш ва бугун" мавзудидаги халқаро назарий-илмий конференцияга бағишланган матбуот-анжумани бўлди.

Унда журналистлар, санъатшунослар, тарихшунослар, археологлар иштирок этишди. Таъкидланганидек, мазкур халқаро конференция "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академияси, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамда Халқаро маданият қарвонсаройи билан ҳамкорликда ташкил этилаётди.

Анжуманда Буюк Ипак йўлининг тарихи, таракқиётининг асосий босқичлари, маънавий ва моддий меросни ўрганиш ва сақлаб қолиш истиқболларига бағишланган маърузалар тингланади. Халқаро тadbир доирасида турли кўргазмалар, учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилади.

Назoкaт УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Шанба фельетони

— Чорасини толган кулни сотиб, пул қиларкан...

Бу гап даврадагиларни огоҳ тортирди. Ҳатто, исми жисмига мос Ғофир танбал ҳам бошини кўтариб, Асом гадагга савол назари билан тикилди. Бунинг бошқа бир сабаби ҳам бор. Қачонки кетмон тилга олинса, Танбалнинг қулоқлари динг бўлади. Чунки, у иш деса, сичқоннинг инини минг тангага бўлса ҳам ижарага олади. Танбаллиги боис вақтида оила ҳам қуролмади, охири қишлоқ оқсоқоллари бош қўшиб, Алимардоннинг бевасига уйлантириб қўйишди. Неча йилки қаровсиз, тагсинчлари чириб, тунлари тўсинларини кўртлар қитирлатиб чиқадиган харобгина уйга муштипаргина бу аёл ўн беш ўглини эргаштириб кириб келди. Эртасига Ғадагг уни гузарда учратиб:

— Қуллук бўлсин, Ғофир ака, — деди. — Бир йўла кўзичоқлик ҳам бўлиб олибсизми? — Каллани ишлаши керак, ука, — деди Танбал. — Ақли доно тайёрига эга бўлади, аҳжаликка. Қараса, омбурак-сумак исқаб ўтади. Худой-берганим бир ўғил бўлсинки хали.

Ҳозир Ғадагг уша гапларни эслаб, килимсирлади. Буни илғағаб, Танбал даврадагиларга бир қур кўз ташлаб, Ғадагга ўғирилди: — Айтганим бўлдим, ахир? Ҳозиргина сен айтган нақлини Худойберганимнинг қулоғига болалигидаёқ обдон қуйганман. Мана, бугун Худойберганимнинг айтгани-айтган, дегани-деган. — Ҳа, кўзичоқингиз обдон топ-

Ҳаёт сабоқлари

Маврура келинлик бўлиб, уй юмушларидан бирмунча бўшаган, «энажон, энажон» дея атрофида парвона бўлаётган келиннинг илтифотларидан кўнгли юмшаб, аламларини бир оз унутгандек. Лекин бебош хавл тизгини ҳеч тутқич бермас, ўша йигирма йил аввалги машъум воқеалар кўз ўнгидан ўтаверар эди.

Аслида Матлуба деб исм қўйилган қизча тақдир тақозоси билан хужжатлари расмийлаштирилган пайтда Маврура-хонга айланиб қолган эди. Кейин-кейин ўзи ҳам бу исмга кўникиб, «Матлуба» деб қақирганларга эътибор ҳам бермай қўйди. Одамзод қизиқ, иссиққа ҳам, совуққа ҳам кўниши қийину, лекин дўппи тор келса, кўнмай иложи йўқ. Маврура ҳам дастлаб орзу-хавасли, лекин қатъиятли, қайсарроқ қайнонага келин бўлганда бироз кўниқолмай юрди. Аммо севиқли эри Рафиқжоннинг эркалашлари, муҳаббат тўла нигоҳлари кўз олдига келганда: «Хўп бўлади, энажон» дея, елиб-югуриб хизматини бажариб юраверди. Айниқса, бир кунни роса ўсал бўлганда-да ўзим. Тўнғичига бошқорони бўлиб юрган кезлари, ўчоқ бошига йўлашга безиллаб қолган. Уйда тайёр газга ўрганган эмасми, ёғ, тутун исидан кўнгли айниб, боши айланарди. Рафиқжон бир кун ишдан эртароқ келиб қолди:

— Ҳа, маликам, бу азим тоғлар орасидаги дурдонам, кайфиятлари йўқроқми? Нима гап?

— Э, кўйинг, ҳозир кечки овқатга ўтин ёриб, ўт қалашиш керак, ёғ доғ қилиш, уф-ф. Бошқаларам шундаймикан-а?

— Э, бу яхшиликка-ку! Ахир, полвонтой осонликча дунёга келадими? Чидайсиз-да, энди. Келин, бугун сизга ўзим қарашворақолай.

Рафиқжон тез кийиниб чиқди. Қўлига болта олиб, ўтин ёришга тушди. Уни ичкаридан кузатиб турган она ўғлининг

ёнига чиқиб келди: — Ҳа, ўғлим, ишдан хоримай келдингми? Нима, сендан бошқа ўтин ёрувчи йўқми бу ховлида?

Маврура ҳадиксираб, она-боланинг ёнига келди. Қайнона ўғлининг қўлидаги болтани олдию, келин томонга иргитди.

— Мен сени, «ўтин ёрсин» деб ўқитганим йўқ. Керак одам ўзи ёради, — деди. — Вақтида биз ҳам таппи-тезак

— Болам, сенга кўп қарашдим. Болаларинг катта бўлиб қолиши. Энди Садиржоннинг болаларини катта қилишворай.

Шундай қилиб, етти йил деганда, алоҳида хўжалик бўлиб яшай бошлаган келин шаҳар муҳитига, қайнонаси яшашга ҳам кўникиб кетди. Ишли одам болаларини мактабга жўнатди, баъзан уларнинг овқатини вақтида тайёрлаб беришга ҳам улгуролмай,

— Жуда яхши. Мен эрдан таътилга чиқаман. Бир яхшилаб меҳмон қилайлик. Отамларнинг келмаганларига ҳам анча бўлди. Шаҳарни бир айлантирамиз-а, дадаси?

Эртаси тонг саҳарлаб эшик қаттиқ тақиллади. Рафиқжон эшитган хабардан турган жойида тошдек қотди. Шундоқки на тоғ ён бағрига жойлашган қишлоқнинг дегарли ярмидан кўпи қўчки остида қолиб кетганлиги, улар орасида Рафиқжоннинг ота-онаси, жиянлари ҳам борлиги ҳақидаги шум хабар бир зумда бутун шаҳарга тарқалди...

Сайёра ЭШМАТОВА.



АРМОН

йигиб келганмиз. Қозон қайнатиб, бола-чақа боққанмиз. Мана, улганмиз йўқ, сенларни ҳам соппасоғ туғиб олдим.

Ҳа, бу воқеа Мавруранинг ҳаёлида бир умрга сақланиб қолди. Лекин, бир сўзли қайнонанинг келинига бўлган меҳр-оқибати ҳам бир дунё эди. Ёш бола билан андармон бўлиб, қолиб кетган ўқини ўғлига айтиб тиклатди, икки ёшли болани бағрига босиб катта қилди.

— Ўқининг охирига етказ, келин. Ўғлимнинг ёнида сен ҳам ўқимини, маданиятли бўлиб юр. «Кимсан, фалончининг келини» дейишинг.

Шундан сўнг Мавруранинг қалбида қайнонасига нисбатан ўзгача меҳр товланди. Ҳатто, шаҳарга алоҳида рўзгор қилиб чиқаришаватганида кўзига ёш олиб: «Эна, биз билан туринг», деб ялинди.

ортиқча борди-келди ёқмай қола бошлади. Энди қайнона-қайнонани кўришга ҳам икки ҳафта оралиб, ҳатто ойда бир борадиган бўлиб қолди.

Бир кун қайнонаси болаларини соғиниб, ўзи кириб келди. Ёнида Садиржоннинг анчагина бўйи чўзилиб қолган қизи ҳам бор. Маврура уларни кўриб, боши осмонга етгудек қувонди. Ҳатто шу яқин атрофда яшовчи қайнсингилларини ҳам қақириб келди.

Қайнона келиннинг меҳр-оқибатидан кўнгли тоғдек кўтарилди: — Болам, кўп овора бўлаверма, ишли одамсан. Ўзингга яраша юмушларинг бор ахир.

— Ҳеч оворагарчилиги йўқ, эна. Фақат, эртасга озроқ ишларим бор, эртароқ кетишим керак.

Эҳ, бекорга тилини «бе-

суяк» дейишмас экан. Шу бир оғиз сўзи Маврурага жуда қимматга тушди. Бутун умр кўксига армон, қалбида доғ бўлиб қолди.

Келиннинг эртанги кун гамида безовта бўлаётганидан хижолат бўлибми, ё дили ранжидими, ишқилиб ўғлини-кида бирон кун ётиб кетиш ниятида келган қайнонаси кетиш тараддудига тушиб қолди. Ҳатто, шу яқин орада турадиган қизларнинг тақлифини ҳам рад этди. «Хой, Ма-лоҳат қизим, тур, отлан, қишлоққа қўш қораймасдан етиб олайлик».

Маврура меҳмонлар кетишгач, дилидаги гашлик ёзилмай, бир нуқтага тикилганча анча ўтирди. «Афсус, нега энамни ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам олиб қолмадим-а? Ахир, ўғилларини ҳам кўрмай кетиб қолдилар-а? Ҳаҳ, ишим курсин-а. Эрталаб туриб кетсам, кетавердим, шу ишимга. Бегонамадики, уйда қолдиришга ноқулай бўлса?» Шу аснода Рафиқжон хизмат сафаридан қайтиб, кириб келганини ҳам сезмай қолди. Бўлган воқеани эрига оқизмай-томизмай сўзлаб бераар экан, беихтиёр кўзларига ёш қўйилди.

— Э, қўй, ўзим чарчаб келдим. Қачон қарам, йўқ жойдан галва топасан. Эртага ўзим бориб уларни олиб келаман. Бир ҳафта шу ерда турадилар.

— Жуда яхши. Мен эрдан таътилга чиқаман. Бир яхшилаб меҳмон қилайлик. Отамларнинг келмаганларига ҳам анча бўлди. Шаҳарни бир айлантирамиз-а, дадаси?

Эртаси тонг саҳарлаб эшик қаттиқ тақиллади. Рафиқжон эшитган хабардан турган жойида тошдек қотди. Шундоқки на тоғ ён бағрига жойлашган қишлоқнинг дегарли ярмидан кўпи қўчки остида қолиб кетганлиги, улар орасида Рафиқжоннинг ота-онаси, жиянлари ҳам борлиги ҳақидаги шум хабар бир зумда бутун шаҳарга тарқалди...

Сайёра ЭШМАТОВА.

Билиб қўйган яхши

● Агар бирор жойингизни кесиб олган бўлсангиз, қонини дарров тўхтатиш учун бўймидардон (тысячелистник) усимлигини тозалаб ювиб, майдалаб, яра устига қўйинг.

● Ярага, қуйган жойингизга, терингиз йирингланган жойига аччиқ эрмон, баргизубни сиқиб, сувини томизинг.

● Милкингиз кўп қонайверса, дуб пўстлогини қайнатиб оғзингизни чайинг.

● Бошингиз қаттиқ оғриганда, янги қарам баргини пешонангиз билан гарданингизга қўйинг.

● Милкни бақувват қилиш учун ачитилган қарамни чайнаг.

● Жигарингизда лямблия курти бўлса, ярим стакан тузланган қарамнинг сувидан оч қоринга овқатдан ярим соат олдин ичинг.

● Меъда-ичак касаллигида оғиздан ёқимсиз хид келади. Ундай ҳолда овқатдан сўнг, дуб пўстлогининг қайнатмасини 1:1 нисбатда суолтириб, оғиз чайнаг.

Шундан кейин

ҚИЙМАТИ ЯРИМ МИЛЛИАРД

Саудия Арабистони ҳукумати ўз ҳудудида жангарилар кириб келишининг олдини олмоқ учун Ироқ билан чегара бўйлаб муҳофаза девори қуриш режасини ҳозирлади.

Муҳофаза девори қурилиши 2007 йилда бошланиб, олти йил давом этиши мўлжалланмоқда. Пудрати ҳозирча ҳеч қимга берилмаган ушбу лойиҳанинг умумий баҳоси 500 миллион доллар эканлиги таъкидланаяпти.

ТУРНИР УЧУН ҚЎШТУМОР

Футбол бўйича 2008 йилда ўтадиган Европа чемпионати ташкилий кўмитаси чоршанба кўни бевосита УЕФА иштирокида турнир туморларини танлади.

Мусобақаларни қабул қилувчи мамлакатлар — Австрия ва Швейцария термалари либосларини кийган, антиқа кўринишдаги икки эгизак Евро — 2008 нинг раэмий тумори деб тан олинди. Уларнинг тақдими Венада бўлиб ўтди.

«РУСАЛ»НИНГ ТЕНГИ ЙЎҚ

Forbes журналининг октябр сонида Россиядаги энг йирик икки юзта хусусий компаниянинг аънавий йиллик рейтингини эълон қилинди.

Бу гал биринчи ва иккинчи ўринларни Олег Дерипаскага тегишли «Русский Аллюминий» компанияси ва «ГАЗ» гуруҳи эгаллади. Утган йил бундай пешқадамлик «ТНК-ВР» нефть компаниясига насиб этганди.

БЕМОР ҲАВОДА — МУАЛЛАҚ

Француз жарроҳларининг доктор Доминик Мартан бошчилигидаги бир гуруҳи тарихда илк бор вазнсизлик ҳолати шароитларида ўтказилган тегил муолажани муваффақиятли яқунлади.

Атайин вазнсизлик ҳолатини ташкил этишга мўлжалланган махсус А 300 Zero — G самолёти Бордо шаҳри яқинидаги Мериньяк аэропортига кўчди.

АСЛИДА-КУ УЛАР БЕБАҲО

Лондонлик машҳур арт-дилер Энтони д'Оффейнинг замонавий санъат асарлари йиғмаси юз миллион фунт стерлингга баҳоланди.

У ўзи тўплаган нодир асарларнинг бир қисмини пуллаш ниятида, яна бир қисмини эса, иккита йирик британ музейларига совға қилажagini айтияпти. Йиғмада Уорхол, де Кунинг, Мэпплторп, Хирст ижоди намуналари бор.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 30 сентябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Фарбдан севкундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Фарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги қучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

TOHKENT ҲАҚИҚАТИ
БОШ МУҲАРРИР
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар: 133-90-82, 136-53-54.
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.